

496 / 5
2003



Guliston

2003/5

Бизнинг ЧОТҚОЛ



Ўзбекистон



Қазоқистон




Қирғизистон



The World Bank



Global Environment Facility




Инсон ва табиат муносабатлари миллион йиллар давомида ўзаро боғлиқликда ривожланиб келган. Аниқроқ айтганда, инсоният тарихи халқларнинг табиат билан алоқалари тарихидир. Кишилик ҳаётига техника, моддий асослар кириб келиши билан бу муносабатларда талай кескинликлар юзага кела бошлади. Бизнинг давримизга келиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш кенг кўламдаги глобал муаммага айланди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, эндиликда башариятнинг кейинги тақдири ана шу муаммолар ечимига боғланиб қолди. Инсон табиатга бўлган ҳукмронларча муносабатини ўзгартирмас экан, экологик таҳдидлар бизни ҳар қадамда таъқиб қилаверади.

Буни тўғри англаб етган инсон табиатни ўз ҳолича асраб қолишга интилмоқда. Дунё миқёсида она табиатни асраш, кишиларда экологик соғлом муносабатни шакллантиришга қаратилган қатор халқаро, минтақавий ва маҳаллий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Фарбий Тяншан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал экологик Фонднинг Марказий Осиё Чегаралараро Лойиҳаси ҳам ана шу мақсадни кўзда тутади. Журналимизнинг ушбу сонини мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларни ёритишга бағишладик.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ



Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини ва келажакни кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

* * *

Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

* * *

Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақалараро ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало мусулмон Шарқ мамлакатлари билан қўшма лойиҳаларни бирмунча муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга ҳам кўмаклашади.

* * *

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугунги ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради.

* * *

Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг

бутун ҳудуди бўйлаб сугориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплай аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа — Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди.

* * *

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда.

* * *

Республиканинг фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала. У атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бош омилларидан биридир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қараганда, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

* * *

Қулай иқлим шароити, улкан минерал хом ашё заҳиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг катта заҳиралари ҳақли суръатда Ўзбекистонни минтақа ва дунёнинг энг катта бой мамлакатлари қаторига олиб чиқади.

* * *

Ўзбекистон тупрогининг ноёб унумдорлиги унинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ҳол республикани қудратли агро-саноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини беради.

* * *

Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:

Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Абдусайд КҮЧИМОВ,
Отаназар МАТЁҚУБОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Комилжон ЮСУПОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Жуманазар ҲУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:

Комил ЖОНТОВЕВ,
Баҳром ЖУМАНИЁЗОВ,
Манзура ШАМСИЕВА.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно МИРОБИДОВА,
Шахло ҲОШИМОВА.

Мусаҳҳиҳ:

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбирлар:
Дмитрий КУРЬЯКОВ,
Тургунбек МАҲКАМОВ.

Навбатчи муҳаррир:

К.ЖОНТОВЕВ

Босишга 2003 й. 13.06.да топширилди.

Қоғоз бичими 70x108 1/8,

Ҳажми 6,5 босма табак,

Буортма № 5075

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси.

Таҳририят манзили: 700029, Тошкент,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Қабулхона: 136-56-01

Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57

Масъул котиб: 133-07-94

Факс: 133-08-57

“ГУЛИСТОН” 5/2003

Ушбу сон мазмуни:



Ўзбекистонда Фарбий Тяньшан тоғлари
биоҳилма-хиллигини сақлаш Чегаралараро
Лойиҳаси амалда

4



Марғуба НИШОНОВА
ҚОЗДАЛАР ҲАҚИДА ОЛИБ
ЎҚИШЛАРГА АЙЛАНАДИ

10

БИОХИЛМА-ХИЛЛИК
МУҲОФАЗАДА

11



ЧОТҚОЛНИНГ
ШИҒОБАХИ ТИЁҲЛАРИ

16



Ўлибнат мактиби

26



Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али
ЁМОНЛИК — ЯХШИЛИК
КУШАНДАСИ

30



«ЭКОЛОГИК ТОВА»

ЛАТИФЛААР

32

МУКОВА ВА ЗАРВАРАҚЛАРДА
Дмитрий КУРЬЯКОВ ва Валерий ТАРАН
фотосуратларидан фойдаланилди.

САМОВИЙ МОҒ

Марказий Осиё ҳудудига жаҳоннинг энг буюк тоғ тизмаларидан бири жойлашган. У Мяншан деб аталади. Хитой тилидан олинган бу сўзлар Мянъ — еано, Шанъ — тоғ, яъни Самовий тоғ лавноени англатади. 88 та улуғвор чўққиси бор бу тоғ асосан Марказий Осиё ва қиёман Хитой ҳудудига жойлашган. У денгиз сатҳидан 4-5-7 ва кўпроқ мин метр баландликда бўлиб, пурвиқор қоялари абадий музлик билан қопланган. Энг юқори нуқтаси 7439 метр бўлган Мяншан Шарқий ва Ғарбий қиёнларга бўлинади.

Ғарбий Мяншан Марказий Осиё табиатида алоҳида кўрк бағишлаб, ҳудуддаш энг юқори чўққилар: Ҳотқол, Могай, Фарзона, Қоратов, Қуралани ўз ичига олади. Ҳудудга оби ҳаёт бағишловчи кўлаб дарёю сойлар абадий музликлар билан қопланган Мяншан қояларидан боғланади.

Ғарбий Мяншан жаҳоннинг подир экотизмларидан бири бўлиб, бунда бовқа жойлардан фарқли ўлароқ жуда кўп ҳайвонот ва наботот намуналари учрайди. Бу ерда ҳайвон ва қўшларнинг бир неча юз, ҳаёт шартларининг бир неча минг, ўсимликларининг уч мингга яқин турларини учратиб мўлқин. Минтақа кўлаб наданӣ ўсимлик ва жониворлар тарқалган жаҳондаш санокли марказлардан биридир. Унинг иқтисодий қилматини еввойи ёноқзорлар, доривор шўғлар, жониворларнинг об қилиш мўлқин бўлган турлари тавқил этади. Бундан тавқари Ғарбий Мяншан ҳудудига лавжуд айрил ҳайвон ва ўсимлик турлари бовқа ҳеч қаерда учрамайди. Ушбу ҳолатлар минтақанинг юзга ўзига ҳосилиш ва уни алоҳида муҳофаза қилиш заруратини асослайди.

Ҳудуднинг жўрофий жойлашуви унинг биоқилма-қиллини тавқинлаган. Буни муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш минтақанинг экологик барқарорлигини тавқинлайди.

Ғарбий Мяншанининг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон қиёнида Олмаота, Оқеув-Жобоқли (Қозоғистон), Асеққўл, Саричелак, Беш Орол (Қирғизистон), Ҳотқол (Ўзбекистон) каби алоҳида муҳофаза қилинувчи ийрик кўриқжоналар лавжуд. Ғарбий Мяншан биоқилма-қиллини асрашда, айниқса, тўрт кўриқжонанинг аҳамияти улкан. Улар: Ҳотқол, Оқеув-Жобоқли, Саричелак, Беш Орол. Ушбу кўриқжоналар ўзининг бой биоқилма-қилли билан янада қилматлидир. Бунда бовқа ҳеч ерда учрайдигини ҳайвонот ва наботот турлари учрайди ҳалда бир неча хил наданӣлашган ўсимликлар лавжудлари лавжуд.

Бироқ инеонинг табиати иебатан кўреатган хўжаеизларга мўносавати, технолошия ривожининг салбий таъсирлари таъсирда улкан табиат, ҳуеуан, Ғарбий Мяншан биоқилма-қиллини ҳал жуда кўп зарар кўрди. Минг шўрки, буён инеоният табиатни муҳофаза қилиш, уни ҳеч бўлмаеса, шў ҳолича сақлаб қолиш насаляеиша жудий қиривди. Шў ҳолат назарда тутилса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикелари, Қазон Банки ҳанқорлишида ишлаб чиқилган Ғарбий Мяншан биоқилма-қиллини лойиҳаеининг аҳамияти янада яққолироқ намоён бўлади.

Лойиҳа ўз олдида Ғарбий Мяншан биоқилма-қиллини муҳофаза қилиш, аҳолини табиат ўзалликлари, бойликлари билан таништириш, инеонларда уни асраш бўйича тўшунчалар ҳосил этиш, ушбу ишга жалв этишни лавқад қилиб қўйилган. Чўнки, одамларнинг табиатга мўносаватини яқинлаш, уни муҳофаза этиш бўйича аеоеий тўшунчаларни ениқдирит лозим. Бу йўлда лойиҳа доираеида аҳоли орасида экологик мўамлолар сабаби, унинг олдини олиш, биомўҳитни борича сақлаш ҳақида тўшунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Табиат, унинг ўзаллишию бойликлари айрил яқин шўқилардашдек битмас-туянмас эмас. Уларнинг иитихоеи еки лўвозанатининг бузиллини шўбҳасиз равишда инеоният лавжудлишига ҳал таъсир ўтказади. Уни муҳофаза қилиш ишига буён давлатлараро даражада этибор қаратилмоқда. Ғарбий Мяншан тоғлари биоқилма-қиллини асраш Ъеаралараро лойиҳаеи тимеолоида бу борадаш илк қадамларга лўвоҳ бўлиб турибмиз. Индиш вазифа фарзангларимизни табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни оқилона таеарруф этиш, она табиатни еевит руҳида, улкан, экологик наданӣиятли инеонлар еифатида тарбиялашдир. Бу йўлда зea ўзимиз намуна бўлмоғимиз лозим. Зеро, табиат барнамизниқи, уни еевит, ардоқлаш барнамизининг муқаддае бурчиқиз.

Ўзбекистонда Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш Чегаралараро Лойиҳаси амалда

Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё Чегаралараро Лойиҳаси Чотқол кўриқхонаси табиатини сақлаш борасида жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу лойиҳанинг Кичик грантлар дастури қисмида Чотқол кўриқхонаси атрофидаги қишлоқлар аҳолисига, маҳаллий жамоа ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларига қўшимча даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Ўтган вақт мобайнида ушбу қишлоқлар фуқаролари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, маҳаллий жамоа ташкилотларидан 93 та ариза тушди.

Аризалар асосан меваларни қайта ишлаш, кўчатхоналар ташкил этиш, та-

бий туризмни равожлантириш, кичик ирригация шаҳобчаларини қуриш ва тиклаш, асаларичиликни равожлантириш, тегирмон қуриш, халқ хунармандчилигини равожлантириш, доривор ўсимликлар етиштириш, ноёб ҳайвонларни кўпайтириш, биохилма-хилликни сақлаш ва кўрикланадиган ҳудудларни бошқариш масалалари бўйича ўқув-семинарларни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ерлари самарадорлигини ошириш, мактаб, мактабгача ёшдаги болалар учун экологик ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, маҳаллий мактаблар учун ўқув қуроллари сотиб олиш каби фаолият турлари билан шуғулланиш истагида бўлган мақсадли гуруҳлардан тушди.

Мақсадли гуруҳлар томонидан амал-

га оширилаётган айрим лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Халқ хунармандчилиги


Ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи мақсадли гуруҳлар қишлоқлардаги аҳолига халқ хунармандчилигининг турли йўналишлари, жумладан, зардўзлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, бўғдой, қамиш пояси ва сополдан турли рўзгор буюмларини ясашни ўргатиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

«Ҳаракати чекланган аёллар ва болаларни ўқитиш маънавият маркази» (раҳбари Раҳматуллаева З.), «Тадбиркор аёл» Ассоциацияси (Паркент тумани), Санганак, Заркент ва Невич қиш-

лоқларидаги умумманфаатдорлар гуруҳига халқ хунармандчилигини равожлантириш учун 14445 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилди ҳамда амалиётга татбиқ этилди.

Асаларичиликни равожлантириш

Кўриқхона атрофида жойлашган аҳоли пунктларида асаларичилик билан шуғулланиш учун барча шароитлар мавжуд. Асаларичилик билан шуғулланиш орқали нафақат асалнинг ўзи, балки асал маҳсулотлари — прополис, асал сути, асалари захри ва табобатда қўлланиладиган бошқа кўплаб маҳсулотлар олинади. Бундан ташқари, асаларичилик билан шуғулланиш ҳудуд биохилма-хиллигини сақлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу йўналиш бўйича 10 та лойиҳа учун 19204 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.





Маҳаллий мактаблар учун ўқув воситаларини сотиб олиш

Ушбу йўналиш бўйича фаолият кўрсатувчи Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан Сўқоқ қишлоғидаги 17-ўрта мактабга грант маблағлари эвазига табиатшунослик, экология фанига доир 505 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари сотиб олинди. Бундан ташқари мактабга замонавий компьютерлар ҳам тақдим этилди.

Кичик тегирмон қуриш

Республикаимизда дон мустақиллигига эришилгандан сўнг ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кичик тегирмон ва цехларни барпо этиш қишлоқ жойларида оммавийлашиб кетди. Ушбу йўналишга Кичик грантларнинг берилиши ҳам Чотқол қўриқхонаси атрофидаги қишлоқларда ун ва ун маҳсулотларини маҳаллий аҳоли томонидан бевосита ишлаб чиқариш, қўшимча даромад олиш, аҳоли турмуш шароитини бирмунча яхшилашга қаратилган.

Заркент қишлоғида ташкил топган умумманфаатдорлар гуруҳи ҳозирда грант маблағлари ҳисобидан соатига 250 кг. ун ишлаб чиқарадиган тегирмон сотиб олди ва уни ишга туширди.


Бундан ташқари, Сўқоқ ва Санганак қишлоқларига ҳам кичик тегирмон қуриш учун грант берилди. Ушбу йўналиш учун КГД томонидан 6831 АҚШ доллари миқдорига грант ажратилди.

Мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар учун экологик таълим дастурларини ишлаб чиқиш

Ушбу лойиҳа «Науот» нодавлат-нотижорат ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу ташкилотга 4443 АҚШ доллари миқдорига грант берилди.

Грант маблағлари ҳисобига экологик таълим сифатини ошириш, биохилмаҳилликни сақлашга доир таълим бериш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик онг ва тафаккурни шакллантириш каби йўналишлар бўйича турли семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда лойиҳанинг иккинчи босқичи яқунланди.





Ичимлик суви билан таъминлаш тизими

Заркент қишлоғидаги умумманфаатдорлар гуруҳи Заркентнинг «Янги ҳаёт» маҳалласини ичимлик суви билан тўла таъминлаш борасида иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳа учун КГД томонидан 6116 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.

Грант ҳисобига керакли асбоб-ускуна, насос, қувурлар ва бошқа материаллар сотиб олинди. Қурилиш-монтаж ишлари эса маҳалла аҳолиси ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа якунлангач, «Янги ҳаёт» маҳалласининг 450 хонадони тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Заркент қишлоғининг «Маҳкам ота» маҳалласидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини кенгайтириш ҳам грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилгач, «Маҳкам ота» маҳалласидаги 3600 киши тоза ичимлик сувига эга бўлади.

Ҳаммаси бўлиб ичимлик суви билан таъминлаш тизимини кенгайтириш билан боғлиқ 2 та лойиҳа учун 18516 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.

Доривор ўсимликларни етиштириш


Ушбу фаолият тури билан Навдак қишлоғидаги умумманфаатдорлар гуруҳи шуғулланмоқда. Ушбу гуруҳ табибатда кенг фойдаланиладиган валериана шифобахш ўтини етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланади.

Бундан ташқари, Паркент тумани «Ногиронлар жамияти» нодавлат-нотижорат ташкилотига ҳам «Заркент» ширкат хўжалигининг 1 гектар ер майдонида доривор ўсимликларни етиштириш учун грант ажратилди. Бу фаолият билан шуғулланувчи мақсадли гуруҳларга 4146 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.

Кўчатхоналар ташкил этиш

Ўрмон дарахтлари кўчатхонасини ташкил этиш бўйича «Эколес» халқаро ташкилотига 3783 АҚШ доллари ҳажмида грант ажратилди. Ушбу ташкилот грант маблағлари ҳисобидан ўрмон дарахтлари кўчат ва уруғларини сотиб олади. Кўчатлар кейинчалик тоғ ён бағирларига экилади, бу эса биохилмаҳилликни сақлашга ёрдам беради.

**Фатхиддин ШАМСУТДИНОВ,
Алижон НАЗАРОВ.**



Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар бўй кўрсатди. Бу ўзгаришлар натижалари, қўлга киритилган муваффақиятлар ҳар бир инсонни келажакка интилиб яшашга, янгилик яратишга чорлайди. Шу давр мобайнида халқ хунармандчилигига катта эътибор қаратилиб, хунармандларга кенг йўл очилди, имтиёзлар берилди. Қўли гул усталар бир-биридан гўзал санъат асарлари яратиб, уларни нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам намойиш этишяпти. Бу борада хорижлик шериклар иштироки ҳам яхши самара бермоқда. Фарбий Тяншан биохилма-хиллигини асраш лойиҳасининг Кичик грантлар дастури жорий ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда шу грант асосида ўз ишини ташкил қилган тадбиркорлар ҳам илиқ фикрлар билдиришмоқда.

Мен ёшлигимдан кашта тикишни, айникса, зардўзликни жуда яхши кўраман. Кўп йиллардан бери турли кўргазма, кўрик-танловларда иштирок

этиб келмоқдаман. Сўнгги вақтда бирор янгилик, яъни ҳали ишлаб чиқарилмаган маҳсулот яратиш истаги туғилди, у нафақат ўзбекистонликларни, балки чет элликлар эътиборини ҳам жалб қилиши кераклигини ҳисобга олиб, кўп ўйладим. Мучал ва буржлар тасвирларини турли кўриниш ва ҳажмда зар ип билан тикиб, уларни безадим. Ойнали рамкаларга солиб, эсдалик совға даражасига етказишга ҳаракат қилдим. Уларни совға сифатида севиб харид қилишмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш заруратини ҳисобга олиб, туманимиз аёлларига хунармандчилик сирларини ўргатмоқдаман. Инсон иш билан банд бўлса, ўзини жамиятга кераклигини ҳис этса, келажакка интилиб яшайди. Қалби гўзал инсонлар табиат гўзаллигидан завқланиб яхши ишлар қилади, гўзал нарсалар яратади.

Жаҳон талабларига мос маҳсулотлар тайёрланса, улар ўз харидорларини топса, барча манфаатдор бўлади. Ишчилар сони қанча кўпайса, шунча кўп маҳсулот тикилади, харидорларга тақлиф қилиш имконияти кўпаяди. Ўз-ўзи-

дан кўриниб турибдики, иш ҳақи фонди, ажратмалар ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар ошади.

Насиб этса, келажакда бу соҳани янада ривожлантириш, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юзлаб, қолаверса, минглаб инсонларни иш билан таъминлаб, миллионлаб тайёр маҳсулот яратиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Марказий Осиё чегаралараро Фарбий Тяншан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш лойиҳасини амалга ошириш Миллий бўлими раҳбариятига катта миннатдорчилик билдираман. Халқ хунармандчилигини ривожлантириш учун ижобий ёрдам кўрсатдилар. Улар кўмаги билан умумманфаатдорлар гуруҳи лойиҳаси тузилди. Лойиҳа қишлоқда янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш имконини яратиб беради.

Бу дегани, ҳозирги экилган новдалар илдиз отиб, буюк чинорларга айланади.

Марғуба НИШОНОВА,
Тошкент вилояти Паркент тумани
«Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси

НОВАДАЛАР ИЛДИЗ ОТИБ, ЧИНОРЛАРТА АЙЛАНАДУ

2000 йил 30 майдан Глобал Экологик Фонд (ГЭФ)нинг Фарбий Тяншан биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегаралараро лойиҳаси иш бошлади. Лойиҳани қўйидаги ташкилотлар амалга оширади: Қирғизистон Республикаси Ўрмон хизмати, Қозоғистон Республикаси Ўрмон қўмитаси ва овчилик хўжалиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Жаҳон Банки. Лойиҳа беш йилга мўлжалланган бўлиб, Фарбий Тяншанда жойлашган Оксув-Жобқли (Қозоғистон), Бешорол ва Саричелак (Қирғизистон), Чотқол (Ўзбекистон) кўриқхоналарини ўз ичига олади.

Уч давлат ташкилотлари Бишкекда лойиҳани амалга ошириш бўйича Худудий марказ ва Тошкент, Бишкек, Остона шаҳарларида унинг Миллий бўлимларини очишди. Лойиҳанинг бош мақсади Фарбий Тяншан худудида химояга муҳтож ва мукамал биомўҳитни сақлаш, уч давлатга миллий сиёсатни мувофиқлаштириш ва кучайтириш, биохилма-хиллиқни асраш соҳасининг норматив базаси ва институциявий ривожини таъминлашдан иборат. Шунга боғлиқ тарзда лойиҳа вазифаларига:

— Фарбий Тяншаннинг алоҳида асраладиган худудлари тизимини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

— кўриқланаётган худуд ва биологик захиралар босимини енгиллаштиришдан манфаатдор маҳаллий ташкилот ҳамда шахсларга даромад келтирувчи альтернатив ва барқарор фаолият шаклларини кўрсатиш;

— таълим, ўқиш потенциалининг маҳаллий ва миллий даражасини мустаҳкамлаш;

— жамоанинг биохилма-хиллиқ аҳамиятидан бохабарлик ва уни асрашда иштирок этиш даражасини ошириш;

— биохилма-хиллиқни, ёввойи табиатни муҳофаза қилиш, кўриқхона бошқарувини яхшилаш мақсадидаги ҳамкорлик фаолиятини мувофиқлаштиришнинг маҳаллий (халқаро) механизмни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кабилар киради.

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМЛАРИ

I. Хуқуқий ва молиявий ислохот

Бу қисм уч давлатнинг биохилма-хиллиқни асраш соҳасидаги сиёсати ва унинг хуқуқий жиҳатини такомиллаштириш ҳамда лойиҳа барқарорлигини таъминловчи бюджет ислохотларининг ривожини амалиётга хизмат қилади.

II. Кўриқланаётган худудлар тизимини мустаҳкамлаш

Лойиҳа 4 та кўриқхонани техник ёрдам воситалари, алоқа воситалари, илмий ва идоравий ускуналар, жўрофий маълумотлар тизими (ЖМТ) билан таъминлаб, автомобиль транспорти ва қурилиш ишлари орқали инфратузилмани яхшилашни ҳам кўзда тутди.

III. Биохилма-хиллиқни истифода этиш

Бу қисм атроф-муҳитга босимни пасайтириш, Фарбий Тяншан табиий бойлиқларини

тежаб ишлатиш мақсадида маҳаллий аҳоли, нодавлат ташкилотлар ва жисмоний шахсларга даромад келтирувчи альтернатив ҳамда барқарор фаолиятларни амалиётга татбиқ этишга ёрдам берувчи Кичик грантлар дастурини қўллашга қаратилган.

IV. Маҳаллий ва миллий имкониятларни таълим орқали мустаҳкамлаш

Лойиҳа кўриқхона бошқаруви, жамоа малакаси, бошқарув тизимидаги янгиликлар, бизнесни бошқариш, тарбиячилар таҳсилоти ва уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур потенциални яратишга хизмат қилувчи таълим дастурини профессионал ривожлантиради. Шу билан бирга лойиҳанинг маҳаллий таълим, хизмат-ўқув сафарлари, маҳаллий билимлар алмашинуви ва бошқа имкониятларни рағбатлантиради.

V. Биохилма-хиллиқни асрашда жамоатчилик иштироки

Лойиҳа кўриқхоналарга қўшни худудларда атроф-муҳитни, ўрмонларни тиклаш ишларида иштирок этган маҳаллий уюмларни маблағ билан таъминлайди. Ёввойи табиат ёхуд биохилма-хиллиқни асрашда муҳим ҳисобланган минтақаларга алоҳида аҳамият берилади. Лойиҳа маҳаллий ўрмонларнинг ўтин учун кесилишини бир қадар камайитириш ниятида энергиянинг бошқа манбаларини ҳам татбиқ этади. Бу қисм Кичик грантлар дастури маблағ билан таъминладиган фаолият билан тўлдирилади.

VI. Лойиҳа бошқаруви


Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларида лойиҳа бошқаруви маҳаллий агентликлар томонидан амалга оширилади. Булар ишига жойлардаги лойиҳани амалиётга татбиқ этиш бўйича миллий бўлимлар томонидан ёрдам кўрсатилади.

Лойиҳа учун ажратилган маблағнинг 9,2 фоизи фуқаролар меҳнати, 22,7 фоизи товар-моддий бойлиқлар, 27,4 фоизи маслаҳатчилар хизмати, 10,9 фоизи мутахассислар малакасини ошириш, 3,6 фоизи кичик грантлар ва 25,9 фоизи фавқулодда ҳолатлар учун сарфланади.

Ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлик

Ушбу лойиҳа амалиёти мамлакатдаги табиатни асраш бўйича тузилган Миллий режа ва давлатлараро тузилган Конвенцияга мувофиқ равишда табиатни асраб-авайлаш борасидаги қисқа ҳамда узоқ муддатли вазифаларнинг тўла бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Лойиҳа учун миллион гектарлик кўриқхона худуди тасарруфини такомиллаштириш, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлардан фойдаланишни тартибга солиш, чегаралараро биохилма-хиллиқни асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Булардан ташқари, экотадқиқотлар орқали кўриқ худудлар табиати — усимлик ва ҳайвонот дунёси, ер таркиби ҳақида фундаментал билим ҳамда кўникмаларга эга бўлинади. Тупроқ емирилиши ва сув сарфи сезиларли даражада камайди. Ушбу



БИОХИЛМА-ХИЛЛИК МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистонда Фарбий Тяншан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш чегаралараро лойиҳасини амалиётга хусусида

худудларда яшовчи аҳоли эса янги иш ўринлари, табиий бойликларнинг мақсадли ва тизимли қўлланилишидан манфаат топади.

Лойиҳанинг қисмлар бўйича бажарилиши ҳақида

1. ТАСИС лойиҳаси тақлифига мос равишда атроф-муҳитни ва ислоҳ талаб қилувчи биохилма-хилликни асрашга доир юридик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланди.

2. Чотқол кўриқхонаси бошқармасининг 2001-05 йиллик режаларига биноан кўриқхона инфратузилмасини қайта тиклаш ва таъмирлаш фуқаролик ишлари олиб борилди.

Кўриқхона учун дала ускуналари ва экипировкалар, 4 та GPS ва 20 та компас каби асбоблар сотиб олинди. Таниқли олим ва малакали мутахассислар иштирокида илмий-тадқиқот ва мониторинг ишлари олиб борилди.

3. Мазкур омил асосида Кичик грантлар дастури (КГД) амалга оширилади.

Кичик грантларни топшириш мақсадида Миллий Кузатув Кўмитаси кўриқхонага яқин жойлашган 5 та аҳоли пунктини (Заркент, Санганак, Сўқоқ, Невич ва Навдак) белгиледи.

4. Лойиҳани Амалга Ошириш Худудий Бўлими (ЛАОХБ) билан келишган тарзда ўқув муддати 2002-04 йилларга мўлжалланди. Режага мувофиқ Лойиҳани Амалга Ошириш Худудий Бўлимнинг икки мутахассиси Жаҳон Банки ўтказган КГДда ишлаш ҳамда лойиҳаларни молиявий бошқариш ва маблағ билан таъминлаш масалаларига бағишланган анжуманларда сабоқ олишди.

— Чотқол кўриқхонаси 16 соатлик дастур асосида кўриқхона илмий-тадқиқот бўлимининг 14 ходими иштирок этган изланиш ва мониторинг ишлари бўйича илмий-амалий семинар ўтказилди. Кўриқхонанинг бош мутахассислари (3 киши) Москва шаҳрида жойлашган «Кўриқхоналар» Экомарказида кўриқхоналар химиясини яхши йўлга қўйиш масалалари юзасидан икки ҳафталик таълим олишди.

— 2002 йил декабрида Тошкент шаҳридаги «Seven Levels» ўқув-маълумот марказида ГИС жамоаси, лаборатория ва илмий ходимлар, ГИСистемолчилари ўқув курслари ўтказилди ва унда 10 киши сертификат олишга муяссар бўлди.

— 2003 йил январь-февраль ойларида Москва шаҳридаги «Кўриқхона» Экомарказида 3 киши (Чотқол кўриқхонаси ва Тошкент вилоят кўмитаси ходимлари ҳамда Лойиҳани Амалга Ошириш бўйича жамоат билан ишлаш мутахассиси) икки ҳафта жамоатчилик билан ишлаш курсларида ўқишди.

— ТАСИСнинг биохилма-хиллик борасидаги лойиҳаси билан ҳамкорликда экотуризмни ривожлантириш бўйича семинар ўтказилди. Унда 50 киши — лойиҳанинг маҳаллий уюшмалари, НПО, туристик ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Маҳаллий журналистлар учун лойиҳа мақсад-вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнига бағишланган матбуот

анжумани бўлиб ўтди. Материаллар республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

5. Маҳаллий аҳолини Фарбий Тяньшан худудлари химиясига чорлаш, биохилма-хилликни сақлашнинг қанчалар муҳим ва зарур эканлигини ўқтириш мақсадида кўриқхонани бошқариш режасига асосан қўйидаги тадбирлар амалга оширилди:

а) кўриқхонанинг жамоатчилик билан ишлаш хизмати томонидан туман ва республика ОАВларида жамоатни кўриқхона фаолияти, Жаҳон Банки ёрдамида амалга оширилаётган лойиҳа мақсад ва вазифалари, Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш чегараларо Лойиҳасининг аҳамияти каби маълумотлардан бохабар этувчи чиқишлар қилинди;

б) кўриқхона худудида жойлашган мактаблар маъмурияти, шунингдек ижтимоий бошқарув органлари билан суҳбатлар ўтказилди;

в) Бишкек Халқаро Тоғ Саммитига бағишлаб мактаб ўқувчилари орасида «Болалар сурати» танлови ташкил этилди. Танловда кўриқхона атрофида жойлашган еттита аҳоли пунктида истикомат қилувчи ўрта мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Танловга 200 дан ортиқ иш келиб тушган, шулардан 15 таси саралаб олинди. Танлов натижалари матбуот саҳифаларида ёритилган ва Тоғ Саммити кунларида Бишкекда кўрсатилган;

г) кўриқхона музейини гуруҳ бўлиб кўриш ташкиллаштирилди (22 гуруҳ — 566 киши);

д) «Чотқол кўриқхонасининг кузги ранглари» видеофильми яратилди.

6. 2002 йил натижалари бўйича молиявий ҳисоботлар Лойиҳани Амалга Ошириш бўлими бошлиғига ва Ижровий Агентликка ўз вақтида етказилди.

7. Лойиҳани Амалга Ошириш бўлими «Кўриқхонага чегарадош худудларда шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш», «Шифобахш ўсимликлар маркетинги ва аҳолининг уларни йиғиш, ўстириш, қайта ишлаш ва истеъмол қилиш усулларини ўргатишга эҳтиёжи» бўйича тадқиқотлар олиб борди.

АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

а) Шифобахш ўсимликларни ўстириш учун аҳолига ер етишмайди, бозор ривожланмаганлиги ва яхши кетишига ишонмаганлиги учун улар ўз ерида ўсимлик ўстиришдан чўчишади;

б) шифобахш ўсимликлар ўстиришга катта ерлари бор йирик фирма ва ўрмон хўжаликлари қайта ишлаш ва сақлаш технологияларини яхшилаш учун салмоқли маблағ ўтказишга муҳтож;

в) етиштирилаётган шифобахш ўсимликлар асосан ички бозорда сотилади. Сотилиш худудини кенгайтириш учун маҳсулотни халқаро сертификациялаш зарур.


Асхад ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Лойиҳанинг Ўзбекистон Миллий
бўлими бошлиғи



Ўзбекистон



Қозоғистон



Қирғизистон



ЭКОТУРИЗМГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Фарбий Тяншаннинг фусункор табиати сайёҳларни ҳамisha ўзи-га жалб этади. Дам олиш кунлари, байрамлар ва таътил пайтлари-да ташриф буюрганлар мангу оқлик билан қолланган виқорли чўққиларни яқиндан кўриш, тоғнинг бошни айлантириб юборадиган тоза ҳавосидан тўйиб нафас олиш, ажиб манзарали шаршара, ҳали инсон кўли ўзгартирмаган табиат, наботот ва ҳайвонот оламини эсдалик учун суратга туширишни истайдилар.

2002 йилнинг 6 ноябрида табиий, спорт ва тарихий-маданий туризмнинг элликка яқин мутахассислари ГЭФнинг Чегаралараро Лойиҳаси ҳамда ТАСИС халқаро лойиҳаси ва уларни амалга оширишнинг маҳаллий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Фарбий Тяншаннинг табиий гўзаллиги ва турфалигини сақлаб қолиш, инвестициялар жалб этиш, туристларни табиатнинг нодир гўшалари, айниқса, Уғом-Чотқол миллий паркига олиб бориш каби масалаларни муҳокама қилишди. Гапасосан туризмнинг бир томондан сайёҳларга атроф-муҳитни таништириш, иккинчи томондан Фарбий Тяншан биотизимларини мувозанатда ушлаб туриш учун зарур маблағ билан таъминлашга йўналтирилган экологик шакллари хусусида борди.

Табиий ресурслар инсон ва техника таъсирида тобора камайиб бормоқда. Семинарнинг кун тартибига бу таъсири қандай кучсизлантириш, маҳаллий аҳолига техника ўрнини босувчи нима таклиф қилиш мумкин, бунга қандай воситалар зарур, туризмнинг аҳамияти нимада, табиий ҳудудлар ва туризм интеграция соҳасида давлат сиёсати қандай бўлмоғи лозим каби муаммолар кўйилди. Иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, туризмга доир маҳаллий, айниқса, тоғли ва чиқши қийин бўлган ҳудудлар иқтисодини кўтаришга ёрдам берувчи қимматли таклифлар киритишди. Бунинг учун туристик жараёнга маҳаллий ташкилотларни жалб этиш, зарур шароитни (озик-овқат, алоқа воситалари, тиббий объектлар, қўтқарув хизмати каби) яратиш лозим. Семинар иштирокчилари туристларни ўзига тортувчи энг кучли оҳанрабо миллий хунармандчилик, азалий урф-одатлар ва этнография эканлигини таъкидлашди. Мутахассислар саёҳатнинг табиатни томоша қилиш билан бирга уни моддий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган экологик шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги, ҳозир Ўзбекистонда бундай саёҳатнинг орнитология, ихтиология, ботаника ва экология мувозанатини сақлашга хизмат қиладиган бошқа шакллари мавжудлигини алоҳида айтиб ўтишди. Европада экотуризм дам олишнинг энг қиммат кўринишларидан биридир. Шунга қарамай, юз минглаб кишилар унга пул сарфлашга тайёр. Анжуман иштирокчилари одамларни жонли табиат ҳайвон териси, суяклари ёки гўшtidан кўра кўпроқ даромад келтира олишига яна бир бор ишонтириш лозимлигини қайд этишди.

КЎРИҚХОНА МУЗЕЙИ ТАЪМИРГА МУҲТОЖ

Чотқол кўриқхонаси музейи ўтган асрнинг 70-йилларида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси Чотқол табиатини ақс эттириш ва сайёҳларнинг умумий биология ҳамда ўлка табиати ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришдир. Бироқ Паркент тумани марказида жойлашган музей ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмай қолган. Асбоб-ускуна ва экспонатлар эскирган, кўпчилигини янгисига алмаштириш керак. Музей кўриниши ҳам ночор. Табиатни кўриқлаш борасидаги ишларни тўла кўрсатиш учун музейни қайта таъмирлаш, экспонатлар Фарбий Тяншан биохилма-хиллиги сақланишига бағишланган бўлиши лозим. Шу сабабли музей таъмири юзасидан таклиф ва лойиҳалар танлови эълон қилинганди. Тушган таклифлар республика Бадий кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва голиб аниқланди. Ҳозирда таъмирлаш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

ТАБИАТ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Паркент туманида 2002 йил экологияга бағишланган ўқувчилар кўрик-танлови мусобақаси бўлиб ўтди. Унда кўриқхонага чегарадош ҳудудларда жойлашган Ҳасорак, Заркент, Сўқоқ, Санганак,

ТАБИАТДА ЯШАЙДИ ИНСОН



Навдак, Чанги, Невич каби аҳоли пунктларида яшовчи ўқувчилар иштирок этишди. Мусобақага 200 дан ортиқ мактаб ўқувчиларининг ишлари келиб тушди. Бу Чотқол кўриқхонасининг 55 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлганди.

Расмлар қалам, акварелда чизилган. Сюжетларнинг турфаги кишини лол қолдиради: табиат манзаралари, жонажон ўлка ҳайвот ва наботот оламининг турли вакиллари... Табиатни ёнғиндан асрашга бағишланган ишлар ҳам бор. Уларнинг барчасини бир нарса — табиатга меҳр, уни асраш тўйғуси бирлаштиради. Хайъат энг яхши 15 та ишни танлаб, мусобақа ғолибларини аниқлади. Ғолиб асарлар расмийлаштирилиб, Бишкекка — Тоғ Саммитидаги кўргазмага юборилди. Мусобақа жараёни ва натижалари «Паркент тонги» ҳамда «Маърифат» газеталарида ёритилди.

«ЧОТҚОЛ КЎРИҚХОНАСИНИНГ КУЗГИ РАНГЛАРИ»

Табиат инсоннинг экологик тарбиясига, шахслик жиҳатларининг рухий ва ахлоқий-эстетик намоён бўлишига кучли таъсир ўтказади. Экологик онг шаклланишидаги эстетик йўналиш одамига табиат қонунларини чуқурроқ англаб, қабул қилиш ва у билан узвий алоқа ўрнатиш имконини беради. Экологик тарбияни болаликдан бошлаган маъқул — табиат ҳақида тасаввурни шакллантириш, жонли табиатни авайлашга ўргатиш, табиий бойликлардан ўринли фойдаланиш жамият билан табиат орасидаги алоқани англашга ижодий қизиқиш уйғотиш лозим.

Аҳолига экологиядан умумий таълим телевидение, ОАВ, видеофильмлар намойиши ва шу каби одамларни кўпроқ жалб этувчи воситалар орқали олиб борилиши лозим. Шу боис Ғарбий Тяньшан биохилма-хиллигини сақлаш лойиҳаси доирасида ҳар бири 20-30 минут бўлган 4 қисмдан иборат видеофильм яратилиши кўзда тутилган. Фильмнинг «Чотқол кўриқхонасининг кузги ранглари» номли биринчи қисмини суратга олиш ниҳоясига етди.

Шу ўринда фильмга тўхталиб ўтсак. Унинг бош мақсади инсон кўли тегмаган мукаммал гўшанинг бутун гўзаллиги ва ундаги тўрт оёқли яшовчиларни кўрсатиш билан буларнинг барчасини қандай бўлса-да, сақлаб қолишга ундаш эди.

Видеофильм томошабинга кўп ажойиб лавҳаларни тақдим этади. Тонгги насим, пушти рангга чулганган уфқ, кечки шафақ, ёш буталар қоплаган адирлар, тўқ яшил рангдаги арчалар, саф тортган қирлар, тоғ ялангликлари, кузги чечаклар салтанати, нафис чайқалиб тушаётган оловранг ҳазонлар, сизга мева узатиб турган ёнғоқзорлар... Шилдиروق, ўйноқи зилол сувлар: Бошқизилсой, Тақалисой, Минорасой, шаршаралар, ирмоқлар... Ҳайвон қолдикларини еяётган ўлаксаҳўрлар — табиат санитарлари, дарахт шохларига мағрур қўнган қушлар... Кўриқхонада қишлаб қолган паррандалар ва учиб кетган қушларнинг бўш инлари... Бўрсиқ, юмрон, тўнғиз, балиқлар, илонлар, оқ тирноқ айиқнинг янги қазилган ўраси... Томошабин кўриқхонанинг шу каби гўзалликлари, ажойиботлари билан танишиши мумкин. Фильмда нафақат табиат ва ҳайвотот олами ҳақида, балки ёввойи табиатни асраб қолишга ва ноўрин аралашувларга чек қўйишга интилаётган одамлар — биологиянинг турли соҳаларида ишловчи ёш, ғайратли ходимлар хусусида ҳам сўз боради. Улар йил бўйи, қаҳратон совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам отларга миниб тоққа чирмашиб кетган сўқмоқлардан осон бўлмаган юмушларни — кўриқхона ҳайвотот ва наботот оламини кузатиш, ўрганишга боришади. Чотқол кўриқхонаси ҳақидаги фильм қўшимча эътибор ва турли ҳомий ташкилотлар кўмағига сабаб бўлишига ишонгимиз келади.

Жаҳон Банки томонидан кўрсатилган молиявий кўмак ҳисобига кўриқхонани бошқариш, асраш ва самарали хизмат кўрсатиш имконини берадиган турли воситалар сотиб олинди. Шу билан бирга барча ходимларни иш кийими билан таъминлаш, маошларини ошириш ва бошқа фойдали юмушларни рўёбга чиқаришда ҳам бу ёрдам кўл келмоқда. Чотқол кўриқхонаси бизнинггина эмас, бутун инсониятнинг мулкидир. Дунёда фақат табиат боқий ва биз авлодлар ҳар қандай йўл билан унинг гўзаллиги ва бойлигини сақлаб қолишимиз зарур. Табиат ато этган қайта тикланмайдиган қадриятларни асраш зарурлиги мафтункор она тупроқнинг кичик бўлаги — Чотқол кўриқхонасига бағишланган фильм мағзини ташкил этади.

ЧОТҚОЛ КЎРИҚХОНАСИ — 56 ЁШДА

Чотқол кўриқхонаси 1947 йилда ташкил этилган. Бу алоҳида муҳофазадаги табиий ҳудудларнинг иккинчиси эди. Ҳозирда ушбу тизим 9 кўриқхона, 2 миллий боғ ва қатор заказник (буюртма кўриқхона)лардан иборат.

Чотқол кўриқхонасини барпо қилишдан асосий мақсад Чотқол тоғи ғарбий бағирларига хос бўлган тоғ ўрмонларини асраш эди. Шунинг учун ҳам у дастлаб тоғ-ўрмон кўриқхонаси деб аталган.

Ўтган давр давомида унинг чегаралари бир неча бор ўзгарди. Дастлаб геология-қидирув ишларини ўтказиш зарурияти туфайли Шовазсой ҳавзаси олиб қўйилди. Бироқ қидирув ишлари тугагандан сўнг бу ҳудуд кўриқхона таркибига қайтарилмади.

1960 йилда кўриқхонани кенгайтиришга муваффақ бўлинди. Чотқол тоғининг шимолидаги Бошқизилсойдан 40-45 чақирим узоқликдаги ҳудуд қўшилди. Бу ҳудуд Майдонтол деб номланди.

Кўриқхона ҳудудда ўзига хос тартибни сақлаш ва ҳеч қандай ҳўжалик фаолиятига йўл қўймаслик, шунингдек, илмий-тадқиқот, маърифий-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида ташкил этилгандир.


Илмий бўлим ходимлари табиат қўйнида олиб борилаётган кузатишларнинг натижаларини ақс эттирувчи «Табиат солномаси» юритмоқдалар. Бошқизилсой бўлимида 1956 йилдан буён об-ҳавони кузатаётган метеорология станцияси мавжуд. Бу ерда замонавий асбоблар ёрдамида ҳавони ифлослантирувчи моддалар микдорини кузатувчи, сув, тупроқ ва ўсимликлар мониторинги станцияси ҳам бор. Кўриқхона ҳудудида Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ноёб ҳайвон ва ўсимлик турлари учрайди. Бу ердаги камёб ҳайвонлар сирасига қор қоплони, оқ тирноқли (қўнғир) Тяньшан айиғи, Мензбир суғури, бургут, болтаютар, оқ бошли қумой, пакана бургут ва бошқаларни киритиш мумкин. Жониворлар ҳар йили кўриқхона ходимлари томонидан ҳисобга олинди, қайд қилинади. Уларнинг кўпчилиги Табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси «Қизил китоб»ига киритилган.

Кўриқхона атрофида Невич, Навдак, Сўқоқ ва Санганак қишлоқлари мавжуд. Илгарилари ушбу тоғ бағирларида арчазорлар қалин бўлиб, 700 ёш ва ундан кўна бўлган арчалар учраб турарди. Бироқ аҳоли сонининг ўсиши ва технология тараққиёти билан боғлиқ равишда ёқилғига бўлган эҳтиёж кучайиши оқибатида арчазор майдонлар ҳажми кичрая борди. Бу эса ўз навбатида тоғ бағирларининг емирилишига сабаб бўлди.

Кўриқхона тузилган пайтда Бошқизилсой дарёси ҳавзасида инсон фаолияти натижалари кўзга яққол ташланарди. Кўриқхона тартиби ўрнатилганлигига узоқ вақт бўлганлигига қарамастан, набототнинг асл ҳолати ҳали ҳам тўлиқ тикланмаган. Бу тоғ экотизими табиати анчайин нозик ва қалтис эканлигидан ҳаёт беради. Она табиатимизни асл ҳолатига яқин кўринишда сақлашнинг энг қулай ва мақбул йўли кўриқхона экан, ушбу тизимни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш бугуннинг долзарб масалаларидандир.

Александр ЕСИПОВ





Ш

Доривор ўсимликлар табиий бойликларимизнинг ахралмас қисми-дир. Инсон жуда қадим замонлардан бери ўсимликларнинг шифобахш этувчи хусусиятларини тушуниб етган ва улардан кундалик ҳаётда кенг фойдаланган.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино қасалликларни даволашда жуда кўп ўсимликларни қўллаган. Унинг «Тиб қонунлари» асари иккинчи китобида 800 дан ортиқ дори-дармонлар ҳақида мукаммал маълумотлар келтирилган. Уларнинг аксариятини табиий бойлик ташкил этиб, ўша давр тиббиётида кенг қўлланилган. Кейинчалик бир неча жаҳон тиллари-га таржима қилинган ва бутун дунёга машҳур бўлган бу асар асрлар да-вомида тиббиёт ходимлари учун асосий ва тенги йўқ қўлланма сифати-да хизмат қилмоқда.

ТОТҚОЛНИНГ ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАРИ

Республикамиз доривор ўсимликларини кўп йиллар давомида ҳар томонлама ва мукаммал ўрганган олимлар маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 600 дан ортиқ доривор ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 га яқини халқ табиатида ва атиги 70 га яқини илмий табиатда қўлланилади.

Сўнгги йилларда халқимизнинг доривор ўсимликларга қизиқиши бирмунча ошиб, уларга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ хавотирли жиҳати шундаки, ҳозир бундай гиёҳларни билиб-билмасдан йиғиб, савдо қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бугунги кунда табиий тиббиётнинг бундай «жонкуярларига» қарши жиддий чоралар кўрилмаса, бозорларимизда фаолият кўрсатаётган «ишбилармонлар» қандай ҳужжат асосида иш юритаётганлиги текширилмаса, муҳофаза талаб қилувчи ўсимликлар сони ортиб бораверади. Чунки табиатдан фақат олиш, унинг бойликларини фақат истеъмол қилиш натижасида уларнинг захиралари охирига қолади.

Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган нақл бор. Доривор ўсимликларнинг турли қисмларини йиғиш, узиш ва қуритиш жараёнларида маълум бир тартиб, қонун-қоидалар мавжуд. Қасалликларни даволаш ёки олдини олиш учун турли гиёҳларни қўллашда уларнинг биологик, экологик, физиологик хусусиятларини билишдан ташқари кимёвий тузилиши ва таъсир доирасини ҳам тўлалигича тушуниш лозим. Қўлаб чоп этилаётган китобларга қараб ҳар ким ўзича уларни ишлатиши ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Доривор ўсимликларни қўллашда, албатта, ўз ишини пухта билувчи мутахассисларнинг, шифокорларнинг маслаҳатларидан фойдаланиш маъқулдир.

Кейинги 5-10 йил давомида шифобахш ўсимликларнинг кўп ишлатилиши натижасида уларнинг ареаллари — табиий тарқалиш жойлари қисқариб, захиралари тобора камаймоқда. Шунинг учун табиат муҳофазаси доривор ўсимликларни асраш билан чамбарчас боғлиқдир.

Япон олимларнинг фикрича, инсон кўзи гўзал, нозик ва нафис нарсаларни қанча кўп кўрса, унинг кайфияти шунчалик хушвақт, мижози эса бардам ва тетик бўлар экан. Узоқ ва соғлом умр кўришни истаган ҳар бир инсон атрофида шундай нарсалар имкон қадар кўпроқ бўлиши керак экан. Инсон учун табиат кўрки — ранг-баранг ва хушбўй гуллардан, кўм-кўк арчазор ва сўлим ўрмонлардан, мусаффо осмон-у юксак тоғлардан, роҳатбахш булоқ ва сойлардан гўзалроқ нарсанинг ўзи бўлмаса керак.


Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси Фарбий Тяншан тоғларида жойлашган энг кўҳна қўриқланувчи масканлардан бири бўлиб, асосан ўрта ва юқори тоғ



Парпи



Сафсар



Наъматак

минтақаларини қамраб олган. Кўриқхона ўсимликлар дунёси 1160 турдан иборат бўлиб, шулардан 100 дан ортиғи шифобахшдир.

Энг кўп тарқалган доривор ўсимликлар қаториға анжабор, арча, гулхайри турлари, далачай, зубтурум, мармарак, наъма-таклар, откулоқлар, очамбити, сассиқ алаф, сачратқи, торон, тоғ жумрути, тоғ райҳони, ширачлар, эрмон, янтоқ, қайин дарахти, қизил тасма (кушторон), қирқбўғим, қоқиўт, кўйпечак ва гозпанжа кабилар кирази. Бу ўсимликлар асосан халқ табобатида турли касалликларни даволаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида ишлатилади.

Шифобахш ўсимлик турларининг кўпчилиғи бугунға келиб фақат кўриқхона худудидағина яхши сақланган, баъзи жойларда эса уларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиғи кузатилмоқда.

Доривор ўсимликларнинг кенг тарқалиши ва турларнинг бундай бой ботаник хилма-хиллиғи (юздан ортиқ доривор ўсимлик турлари) асосан кўриқхоналарда яратилган махсус шарт-шароитлар туфайлидир. Чунки кўриқланувчи худудларда инсоннинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бир қатор омиллар: чорвадорлик, ем-хашак, ўтин тайёрлаш, мева йиғиш кабилар қатъиян ман этилган. Кўриқхоналарнинг асосий вазифаларидан бири камайиб кетаётган ўсимлик турларини асраб қолиш, кўпайишини таъминлашдир.

Бу турларни табиий шароит ва кўриқхоналарда генетик фонд сифатида асраб қолиш, кўпайтириш, амалиётда фойдаланишға, селекция ишларида қўллашға ҳамда илмий объектлар сифатида ўрганишға имконият яратади.

Бугунги кунда кўриқхоналар мана шундай ажойиб табиат бурчакларини аслигича асраш, у ердағи биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ҳамда йўқолиш арафасидағи турларни ҳимоялаш ва кўпайтиришға хизмат қилади.


**Флора МУҲАММАДЖОНОВА,
Полвонназир МАШАРИПОВ**



Кизилпойча



Мойчечак



Сачратқи

— Сачратқилиғинг аён,
Не нафинг бор, қил баён.
— Олий эрур ниятим,
Беҳисоб хосиятим:
Офтоб урса ногаҳон,
Иситма қийнаган он,
Танандағи яра, доғ,
Тузалсин десанг мутлоқ,
Барғ, новдам қайнат, чўмил,
Ишончинг бўлсин комил.
Кўзингға оқ тушса гар,
Сут-ширам сур, тузатар.

Ичинг кетиб қийналсанг,
Ковуғинг бўшаб қолса,
Талоқ оғриб этса гаши
Ва ўтингда бўлса тоши,
Каминанинг илдизин,
Қайнатиб ичгин, кўзим.
Чақса ари, чаён, мор,
Илдизим бос, биродар.
Ниятим шул, эй одам,
Доимо юргин бардам.

Барот ИСРОИЛ

Инсон ва табиат муносабатлари

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар кимни қизиқтирмайди дейсиз?

Айниқса, ҳозирги фан ва техника тараккий этган бир даврда инсон билан табиат орасидаги ўзаро алоқа янада кучайди. Инсоннинг табиатга таъсири кескин тус олади. Зеро, табиат бизнинг ҳаёт кечиришимиз ҳамда моддий ва маънавий эhtiёжларимизни қондирувчи бирламчи манбадир.

Инсон табиатнинг ажралмас бир қисми ўлароқ табиатнинг бошқа бўлақларидан ўз ақл-заковати, онглилиги билан ажралиб туради.

Инсон ўз эhtiёжлари учун зарур бўлган моддаларни табиатдан олади. Уларни истеъмол қилиб, яна табиатга қайтарди. Бу жараён доимо тенг мувозанатда бўлиши шарт. Акс ҳолда, жамият билан табиат ўртасидаги мувозанат бузилади ва инсон ҳаёти учун ҳаф тугилади.

Шундай экан, табиатдан тўғри фойдаланишимиз, қонунларига доимо риоя қилишимиз шарт. Йўқса биз учун салбий оқибатлар юзага келади. Ҳар бир ноўрин ҳаракатимиз — муносабатимиз учун табиат биздан ўч олади.

Инсон фан-техниканинг илгор ютуқларидан фойдаланиб ер ости ва усти бойлиқларидан жадалроқ фойдалана бошлади. Дехқончилик, чорвачилик, ўрмончилик, қурилиш, саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланиш жараёнида илоҳи борича табиатга зарар етмайдиган тарзда фаолият кўрсатиш лозим.

Бизни қуршаб олган табиатнинг зилот сувлари, жилга ва шифобахш сойлари, мусаффо ҳавоси, баҳайбат чўққилари, серунум тулпоғию майсазорлари, қазилма бойлиқларидан оқилона фойдаланмаслик жиноят эмасми?

Табиат қанчалик бой ва серкирра бўлса, кишиларимиз ҳаёти шунчалик гўзал бўлади. Табиат инсон ҳаёти учун моддий манба бўлиш билан бирга, ким бўлишимиздан қатъи назар ҳар биримизга (олимми, шоирми, ёзувчими, рассомми, бастакорми, ишчи ёки дехқонми) илҳом бахш этади. Янги иждоғлар ҳамда меҳнатга чорлайди. Демак, у биз учун моддий ва битмас-туганмас гўзаллик манбаи бўлиб, завқ бағишлайди.

Шунинг учун биз табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлишимиз, ёшларни шу рўҳда тарбиялашимиз, уларга табиат илмини ўргатиб боришимиз керак.

ИЛМ ВА АМАЛ БИЛАНГИНА ТАБИАТНИ КўРИҚЛАШ МУМКИН

Бугунги кунда инсониятни ҳаф остида қолдираётган ҳодисалардан бири юзага келган экологик вазият ҳисобланади. Чунки жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаси бузилиб қолди. Бу ҳол жамоатчилик ўртасида катта ташвиш уйғотмоқда. Жамиятнинг табиатга таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган ноҳушлиқларни олдиндан кўра олмаслик, пайқамаслик,

билмаслик оқибатида экологик вазият мураккаблашиб кетди. Инсоннинг табиатга салбий таъсири натижасида сайёраимизнинг гўзал қиёфаси ёмон томонга ўзгариб бормоқда. Шунга кўра, экологик мувозанатни барқарорлаштириш асримиизнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди. Бу эса табиатга муносабат борасидаги хатоларни атрофлича таҳлил қилиб хулоса чиқаришни, шу билан бирга экологик таълим ва тарбияни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик биохилма-хилликни сақлаш, ким бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг, айниқса, ёшларимизнинг муқаддас бурчига айланмоғи лозим.

Айниқса, ёшларга табиатни севиш, уни авайлаб асраш, табиатга ўта юқори маданият билан муносабатда бўлиш кўникмаларини бериш давримизнинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигига амин бўлмоғимиз лозим. Мақсадга эришмоғимиз учун, аввало, ёшларга табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини пухта ўргатишимиз, уларни бу масаланинг толмас тарғиботчиси қилиб тайёрлашимиз лозим бўлади.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИОСФЕРАНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳозирга қадар экологик таълим-тарбияга етарли даражада эътибор берилмаётган эди. Эндиликда бу муҳим масалага эътиборни кучайтириш вақти келди. Акс ҳолда инсон билан табиат ўртасида мувозанат бузилиб, табиий ресурслар қашшоқлашиб, инсониятнинг яшаши учун ҳаф тугилиши муқаррар бўлиб қолди. Шунинг учун табиатни севишга, уни ардоқлаб-асрашга мажбурмиз.

Табиатни севиш бешиқдан бошланади

Бешиқ тебратаётган она табиат гўзаллигини мадҳ этувчи аллалар билан ўз фарзандини ардоқлар экан, ҳам она, ҳам бола қалбда табиатга нисбатан муҳаббат кучайиб бораверади. Табиатни севиш инсон руҳиятига ижобий таъсир этади, уни софдил, мулоим қилиб, кўнглида энг яхши ҳис-туйғуларни уйғотди. Оилада, мактаб-гача тарбия муассасаларида болаларни табиат, йилнинг турли фаслларида рўй бериб турадиган ўзгаришлар билан таништириб бориш жуда муҳимдир. Унда ҳосил қилинган билимлар асосида табиат ҳодисаларини аниқ тушуна билиш, қизиқувчан бўлиш, кузата билиш, мантиқан фикр юрита олиш, жамики тирик нарсга завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат билан қараш сингари фазилатлар шаклланиб боради.

Табиатга меҳр қўйиш, уни эҳтиёт қилиб эъзозлаш, ўсимлик ва ҳайвонлар тўғрисида гамхўрлик қилиш табиатга қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки болаларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, табиатни ардоқлаб, уни муҳофаза қилаётган катта-

ларнинг меҳнатига ҳурмат билан қараш сингари инсонийликнинг энг яхши хусусиятларини шакллантириб боришга ҳам йўл очади.


Табиат бурчаклари Табиат бурчаги болаларни табиат билан таништиришга, унга меҳр-муҳаббат уйғотишга ёрдам беради. Табиат бурчагидаги жонзотларни болалар ҳар куни кўриб туришади.



Кўриқхона илмий ходими тоғ ўсимликларини ўрганмоқда



Каламуш заҳм етказган Ёйғоғлар



Тарбиячининг раҳбарлигида болалар тирик мавжудотларни мунтазам кузатиб борадилар ва уларни парвариш қиладилар. Бунда эса болалар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ниҳоятда турли-туманлиги, қай тарихқа ўсиб, ривожланиши, уларга қандай шароит-



лар яратиб бериш зарурлиги тўғрисида тассавур ҳосил қиладилар.

Тарбиячи болаларнинг ҳайвонларни бир-бирига солиштириб улар орасидаги ўхшашлик ва тафовутларни топиши, уларнинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатидаги қизиқ хусусиятларни пайқаб, билиб олишига ёрдам беради. Ўсимликлар кўздан кечирилган экан, гул ва баргларининг чиройлилиги хонага қанчалик кўрк ва чирой бераётгани болалар диққатини жалб этади. Шундай қилиб, болаларда гўзалликни сезиш ҳиссини шакллантириб боришга ёрдам беради. Ўсимлик ва ҳайвонотни мунтазам парваришлаб бориш жараёнида тарбиячи болаларда маълум меҳнат кўникмаларини шакллантириб, уларни жонли бурчакдаги ҳайвонларга эътибор билан қарашга, тирик мавжудотлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга ўргатиб боради. Шу тарихқа болаларда табиатга қизиқишни, натижага эришиш йўлида сабр-матонатли бўлиш туйғусини шакллантиради.

Ишни режалаштирар экан, тарбиячи болаларнинг билим ва малакалари даражасини ҳисобга олиши шарт. Табиат бурчагига биринчи навбатда болалар яшайдиган иклим минтақасига хос бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар жойлаштирилиши керак.

Болаларда экологик билимларни пухталаш учун табиатга доир ҳикоя, шеър ва бошқа адабиёт намуналарини ўқиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларга кўпроқ ёқиб қолган ҳайвон расмини чизиш ёки уни лойдан ясашни тақлиф қилиш янада ижобий натижа беради. Бунинг учун болакайларнинг ёшига қараб кичик рисоалар чоп этиш, уларда ҳар бир ҳайвон тўғрисида қисқа, қизиқарли ахборот бериш усулларини йўлга қўйиш лозим. Болаларни ҳайвон ва ўсимликлар билан таништиришга бағишланган ҳар бир машғулот, ҳар бир саёҳат уларда табиат билимларига ҳавас уйғотиб, табиатда янада қизиқиш ва тирик жонларга меҳр, ғамхўрликни тарбиялайдиган, яхши ҳис-туйғуларни шакллантирадиган бўлиши ўта муҳимдир.

Мактабгача экологик тарбия Экологик таълим ва тарбия тўғрисидаги дастлабки тушунчалар ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Бу кўникмаларга эга бўлган мактаб ўқувчисида шубҳасиз равишда она табиатни муҳофиза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайғуриш ҳислари уйғонади. Ҳар бир ўқувчи биосферанинг мураккаб тизимлиги ва унинг ҳолатига шахсан жавобгар эканлигини сезиши керак. Ҳозирги вақтда ўқувчиларга экологик тарбияни янада кўпроқ сингдириш масаласи ўта муҳимдир. Экологик таълимни тез ва кенг кўламда амалга ошириш зарурияти туғилди. Бу эса бугуннинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, келажак соғлом авлод учун кафолат беради.

Экологик таълим ва тарбия куйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчиларни табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялаш.
2. Ўсимлик ва ҳайвонотнинг ривожланиш конуниятлари, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар ҳақида билим бериш.
3. Ўқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш.

Табиатнинг нормал ҳолати учун фуқаро-

лик масъулиятини тўла англаш экологик таълим ва тарбиянинг ифодасидир. Экологик тарбия ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Экологик онг ва тафаккур экологик дунёқарашни ҳосил қилади ва табиатни диалектик тушунишга ёрдам беради.

Деворий газета — мактабларда экологик таълим-тарбия минбари Деворий газета матбуотнинг куйи органи ҳисобланади. Бу газета табиатни муҳофиза қилиш минбарига айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Газетада ўқувчи бирор ноёб ҳайвон ёки ўсимлик тўғрисида ёзилган мақолани ўқиб кўрса, улар тўғрисида бирор маълумотга эга бўлса, албатта, биз мақсадга эришган бўламиз.

Деворий матбуотнинг хиллари кўп. Мактабларда кўпинча тематик газеталар чиқарилади. Табиатимиз гўзаллиги, ўсимлик ва жониворлар хилма-хиллиги, осмонўпар мағрур тоғлар қиёфаси, қалин ўрмонлар, ажойиб адирлар, юксак қоялар тўғрисидаги мақолалар қайси ўқувчини қизиқтирмайди дейсиз? Улар тўғрисида маълумот олган инсонда табиатга нисбатан, албатта, меҳр-муҳаббат уйғонади.

Деворий матбуот (газета, фотомонтаж, плакат, варақа, шир, қағир, диаграммалар)ни Тяньшан тоғ тизмалари, ундаги кўриқхоналарни тарғиб этувчи манбага айлантириш вақти аяллаган экан.

Мактаблар маъмуриятини бу хайрли ишга сафарбар қилиш, албатта, табиат муҳофизасида ижобий натижалар беради.

Плакатлар Тасвирий тарғиботда кенг қўлланиладиган унумли воситалардан биридир. Табиатнинг бирор парчасини каттароқ ҳажмда чиройли акс эттириб, деворга осиб кўяр эканмиз, ҳар бир инсон унга диққат билан назар ташлайди. Бирор нарсага назаримиз тушдимми, шу нарса, албатта, бизни ўйлантириб қўяди, хаёлимизни чулбақ олади. Бадиий жиҳатдан яхши ишланган, чуқур мазмунли плакатлар инсонни табиатга янада яқинлаштиради, таништиради. Натижада унда меҳр уйғотилади ва табиатни асраш, ардоқлаш туйғулари вужудга келади.

Плакат ва расмларнинг табиийлиги, таъсирчанлигига эътибор бериш керак. Ундаги сўзлар аниқ, лўнда ва кўзга аққол ташланандиган ҳарфлар билан ёзилиши керакки, улар кишиларда ташаббус оловларини ёқа олсин.

Плакат ўз гоёсини аниқ бадиий образлар орқали оммага жуда тез етказиши ва уни кўрсатилган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга чақиради. Бунинг учун плакат инсон диққатини дарҳол ўзига жалб қиладиган даражада бўлмоғи лозим.

Оғзаки воситаларнинг экологик таълимга таъсири Экологик таълим-тарбия ишининг барча воситалари ичиде унинг оғзаки воситаси баъзи бир хусусиятлари билан устунлик ва қулайликларга эгадир. Шунинг учун экологик таълимда оғзаки воситалардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Оғзаки воситанинг устунлиги шундаки, омма билан тўғридан-тўғри жонли муносабатда бўлинад. Ташвиқотчи наўтқининг эмоционал томони сўзининг асл маъносини бойиатади ҳамда чуқурлаштиради, омманинг ақл ва сезги аъзоларига тез таъсир этишга имкон беради. Оғзаки воситанинг яна бир қулайлик томони шундаки, унинг

барча усулларидан исталган жойда фойдаланиш мумкин.

Матбуот экологик таълим хизматида

Маълумки, оммавий ахборот воситалари халққа ахборот ташувчи асосий орган ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 500 га яқин газета, 200 га яқин журнал ва 50 дан ортиқ телерадио дастур мавжудки, уларнинг аҳолига етказиб бераётган кундалик оператив ахбороти ҳажми, ҳаётда кечаётган жараёнларига таъсири тобора ошиб бормоқда. Чунки кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи объектив зарурат. Шунинг учун ахборот уларнинг ҳаётидаги зарурий шарт-шароитлардан бирига айланди.

Телевидение Ахборот берувчи манбаларнинг энг ёши телевидение ҳисобланади. Қисқа муддат ичида телевидение жуда ҳам ривожланиб кетди. Унинг халқимизга маърифат, таълим-тарбия беришдаги аҳамияти

жуда каттадир. Телевидениенинг халқимизга сиёсий, маданий, этик ва эстетик тарбия беришдаги ролини ҳеч қандай восита билан алмаштириб бўлмайди. Шу маънода, телевидениени табиати асраш ишига жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Радио «Диққат! Диққат! Тошкентдан галирамыз. Чотқол жавоҳирлари ҳақидаги эшиттиришимизни бошлаймиз. Она табиат-мехрга муҳтож... Сен табиатни асра, табиат сени асрайди...»

Суҳандоннинг бундай сўзларини эшитган ҳар бир ватандошимизнинг бутун вужуди қулоққа айланиб кетади. Зеро, эшитилган маълумотни тушуниш, англаш анча қулайдир.

Кинофильмлар, театр, кутубхона, санъат ва маданият саройлари тўғрисида ҳам кўпгина фикрлар айтиб ўтиш мумкин. Умуман экологик таълим-тарбияда улардан кенг ва самарали фойдаланиш эндиликда замон талаби бўлиб қолди.



Табиат қонун ҳимоясида



Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси умуммиллий бойлик, деб эътироф этилган. Ушбу бойликлар давлат муҳофазасига олинган ва улардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Табиий бойликлардан фойдаланиш тартиби, уларни муҳофаза этишга доир талаблар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

Табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш давлат органлари томонидан тартибга солинади. Булар сирасига Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқалар кирди. Давлат органлари табиий бойликлар ҳисобини юритади, улардан фойдаланиш ҳажмини белгилайди, фуқаро, қорхона ва ташкилотларга улардан фойдаланишга рухсат этади, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоидаларига амал этишларини назорат қилади.

Қонунлар доирасидагина ер ва бошқа табиий бойликлардан фақат тегишли давлат органлари рухсати билан фойдаланиш мумкин. Хусусан, махсус рухсат билангина тартибли равишда дарахт кесиш, ер участкасида иморат қуриш, ов қилиш мумкин. Шу билан бирга, фуқаролар белгиланган тартиб ва миқдорда ўз эҳтиёжларини қондириш учун қармоқ билан балиқ тутиш, ўрмондан мева теришни алоҳида рухсатсиз амалга оширишлари мумкин. Ер ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланувчилардан ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш бўйича белгиланган шартларга риоя этиш талаб қилинади. Шу

мақсадда қонунларда фойдаланувчиларнинг бир қатор мажбуриятлари кўзда тутилган ва улар мазкур табиий бойлик ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган.

Шундай мажбуриятлар сирасига табиий бойликлардан белгиланган мақсадда, унумли ва тежамкорлик асосида фойдаланиш ҳамда шу жараёнда уларни муҳофаза қилиш чораларини кўриш каби қатъий талаблар ҳам кирди.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оид тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, табиат ва унинг бойликларини сақлаб қолиш мақсадида камайиб кетаётган ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турларини «Қизил китоб»га кириштириш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш назарда тутилган.

«Қизил китоб»га киритилган ўсимлик ва ҳайвонларни йиғиш, ов қилиш, умуман, ҳар қандай шаклда шикаст етказиш таъқиқланган.

Камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза этиш, улар ўсиб-яшаётган ерларни, ноёб табиий манзара (ландшафт)ларни асраш мақсадида давлат кўриқхоналари, миллий табиий боғ ҳамда ёдгорликлар, буюртмали кўриқхоналар, шунингдек, бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилади. Бундай ҳудудларга зарар етказувчи хўжалик ва бошқа фаолият юритиш чекланади ёки умуман ман этилади.

Масалан, кўриқхона ҳудуднинг дастлабки табиий ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида тузилади ва унда бирор бир фаолият юритиш таъқиқланади. Бу жойларда фақат илмий изланишлар олиб борилади. Кўриқхона ҳудудига маъмурият рухсати билангина фуқаролар kira оладилар. Миллий табиий боғлар, буюртмали кўриқхоналарда эса уларнинг ҳудудига муҳофаза этиладиган объектларга зарарли таъсир кўрсатувчи фаолиятга рухсат этилмайди.

Юқорида қайд этилган қонун-қоидалар ижросини таъминлаш мақсадида давлат органлари экологик назорат олиб борадилар. Ўрмонлар, кўриқхоналар ва миллий боғлар махсус кўриқлаш хизмати томонидан муҳофаза қилинади.

Табиий объектлардан фойдаланиш ва муҳофаза этиш қоидаларини бузган шахслар белгиланган тартибда ҳуқуқий жавобгарлик-


ка тортиладилар.

Жазо чораси сифатида айбдор шахсларга жарима, ов қуролини мусодара этиш, ноқонуний равишда қўлга киритилган табиий маҳсулотни олиб қўйиш ва бошқалар қўлланилади. Ушбу чоралар, уларни қўллаш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган. Агар экологик ҳуқуқбузарлик қўбитадан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган оқибатлар вужудга келса, айбдор жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Айбдор қандай (маъмурий ёки жиноий) жавобгарликка тортилишдан қатъи назар табиатга етказилган зарарни қоплаши шарт.

Табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини асраб-авайлаш ҳам бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Фақат шу бурч дилдан хис қилинсагина, биз тоза ҳаво, мусаффо осмон ва бой табиий муҳитга эга бўлаемиз.

Улғубек АЮПОВ





йўқолиб кетаётган ноёб ўсимлик турларини тиклаш, инсон фаолияти натижасида юзага келаётган салбий таъсирларни камайтириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда атроф муҳит, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, табиий бойликларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда. Буни қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида» ва «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар асосида яққол кўришимиз мумкин. Бироқ, булар ҳам олдимизда турган мураккаб вазифаларни тўлалигича ҳал қила олмайд.

Инсон фаолияти таъсири натижасида юз бераётган ўзгаришлар қаторида тоғли ҳудудларда режасиз равишда чорва молларини боқиш, ўрмонларда ўтлар қопламини ем-хашак сифатида ўриш, дарахт ва буталарни ўтин учун кесиш каби ҳолатлар алоҳида ўрин тутади. Табиий ўрмонлар, мевали боғлар, айниқса, тоғларимиз кўржи ва мусаффо ҳаво гарови бўлмиш арчазорлар бундан катта зиён кўрмоқда. Доривор, шифобахш ва зирavor ўсимликларнинг ҳар хил кимсалар томонидан уларнинг биологик хусусиятларини билмай йғилиши, айниқса, уларнинг илдиэларини, пиёзчаларни ва туғуналарининг кавлаб олиниши кўпгина турларнинг кескин камайишига ва ҳаттоки, йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўсимликлар қоплами табиатда ўз-ўзини қайта тиклаш хусусиятига эга. Аммо ҳозирда салбий таъсирлар доираси ниҳоятда кенгайиб, шиддатли тус олиб бормоқдаки, ўсимликларнинг табиий тикланиш қобилияти борган сари сузлашиб, йўқолиб бормоқда.

Табиатда ҳар бир майса ва гиёҳнинг, ҳар бир курт ва кумурсканинг, ҳар бир тош ва тиканнинг тутган ўрни ҳамда вазифаси бор. Инсонлар эса, сув, ер, ҳаво, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан узвий боғлиқликда, уйғун биологик мувозанатда яшайди. Шундай экан, бу мувозанатни бузиш ёки унинг бирор қисмига зарар етказиш, охир-оқибат умумий бутунликнинг ўзгаришига олиб келади ва акс таъсирини вужудга келтиради.

Муҳофаза доирасида олиб борилётган ишлар қаторида Марказий Осиёнинг учта йирик давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон биргаликда Глобал Экологик Фонд (ГЭФ) ҳамда Жаҳон банкининг бевосита иштирокида Фарбий Тяншанда биологик хилма-хилликни сақлашга қаратилган лойиҳа алоҳида эътиборга сазовордир. Бу лойиҳа Чотқол давлат биосфера кўриқхонасида илмий ишларни бир қадар жонлантиришга, керакли замонавий асбоб-ускуналарни олиш, илмий тадқиқотларга ва дала текшириш ишларига етук мутахассисларни жалб қилиш имкониятини берди. Охириги уч йил давомида ҳамкорликда олиб борилган ишлар ўз самарасини кўрсатди. Натижада, Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ва Чотқол биосфера кўриқхонаси-

Ўзбекистон табиати ниҳоятда гўзал ва бетакрордир. Сўнгги маълумотларга кўра, республикамизда тўрт ярим мингга яқин ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар турли минтақаларда ёввойи ҳолда тарқалгандир.

Инсон ҳаётини табиатнинг ажралмас қисми бўлмиш ўсимликлар оламисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Бугунги кунда маданийлаштирилган ўсимликлар сони 500 дан ортиқ бўлиб, улардан ҳаётнинг турли соҳаларида — озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, тиббиётда кенг фойдаланилади.

Афсуски, табиатдан узуқсиз равишда фойдаланиш, умумий демографик ўсиш, техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши ва аҳолининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб бориши, ерларимизнинг қишлоқ хўжалиги талаблари учун кенг миқёсда ўзлаштирилиши ва бошқа сабаблар туфайли бугунги кунда бизни ўраб турувчи ташқи муҳитнинг ўзгариши, экологик мувозанатнинг бузилиши, инсон ҳаёти учун зарур бўлган табиий бойлик захираларининг камайиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида айрим турларнинг йўқолиб кетиши, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши каби салбий ҳолатлар кўпайиб кетмоқда. Шунинг учун ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, камайиб борувчи ва

ТАБИАТНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

да давлатимиз томонидан ҳимоя қилинувчи 40 та камёб тур мутахассисларнинг алоҳида эътибори, доимий кузатиши ва давомли назорати остига олинди. Бу турлар ичида ниҳоятда камёб, жануби-ғарбий Тяньшанда фақат биттагина ўсиш жойи маълум Минквич тезиуми ўсимлиги бўлиб, 1998 йилда «Қизил китоб»да шу турнинг 7 тадан 17 гача кўпайгани қайд этилган. 2002 йилда кўриқхона худудида йўқолиб кетиш арафасида турган турнинг бир-бирига яқин ўсувчи 2 та мустақил популяцияси мавжудлигини кўрсатди. Агар 2002 йилда улар 16 ва 21 та бўлса, 2003 йилда улар сони 38 тадан ортгани аниқланди.

Худди шу сингари, бошқа тоғли худудларда кун сайин камайиб кетаётган мотор пиёзи, Пском пиёзи, Бутков лоласи, сарғиш лола, сохта қўшгул лола, тарғил лола, Чимён лоласи, қизил лола (Грейс лоласи), ноксимон нормушк, оқ парпи, туксиз суғурут, чўзиқ пуфанақ, оқ гулли ширач, ёввойи саллагул, Комаров бўзбоши, Федченко окситрописи, качимсимон етмак, ёввойи ток каби ўсимликларнинг бу ерларда кенг тарқалганлиги, кўриқхоналарнинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини қайта тиклаш жараёнида катта аҳамият касб этишини яна бир қарра тасдиқлайди.

Чотқол биосфера кўриқхонасининг Бошқизилсой участкаси флораси 1009 ўсимлик туридан ташкил топган бўлиб,

улардан 28 таси табиат муҳофазаси учун аҳамиятли турлардир. Майдонтол участкасида эса 749 та тур тарқалган, undan 17 таси камёб турлардир: оқ парпи, оқгулли ширач, Абалин астрагали, Бутков трихантеми, Олтой троллиуси, Афлотун пиёзи, тиканли бўзбош, Альберт кисрони, қизилтомир астрагал, Ангрен қарраги, бештикан қаррак, куббабош қаррак, Олатоғ заъфарони, нор ширач, арча қоврак, Чимён шашири, Чимён сохта клаусияси.

Угом-Чотқол миллий боғи худудидаги Угом ва Пском тоғларида муҳофаза остига олинган 20 га яқин нодир ўсимлик турлари учрайди.

Юқорида келтирилган ўсимлик турларининг «Қизил китоб»дан жой олишга асосан одамларнинг эртанги кунни ўйламасдан иш тутишлари сабаб бўлган.

Шу маънода, кенг истеъмол қилинаётган сабзавот ва мевалар қачонлардир табиатдан олиниб маданийлаштирилганлигини кўзда тутиб ўз эҳтиёжларимизни табиатдаги турларни камайтириш ҳисобига эмас, балки жойларда етиштириш ҳисобига қондирсак, ўринли эмасми? Зеро, оромбахш табиатимиз бугун ёрдамимизга муҳтож. Осмонимиз беғубор, табиатимиз мафтункор, ер ва сувларимиз мусаффо бўлиши учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, уюшқоқлик билан атроф-муҳитнинг софлигини таъминловчи тадбирларни ишлаб

чиқишимиз, белимизни маҳкам боғлаб ташаббус билан ишлашимиз керак.

Табиатни қонун ва қарорлар қабул қилиш, жарималар солиш йўли билангина сақлаб ва қайта тиклаб ололмаймиз. Фақат халқ орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, табиатдан оқилона фойдаланиш йўллари тарғиб қилиш, бунда маҳаллий матбуот воситаларидан фойдаланиш қабилар асосидагина маълум ўзгаришларга эришиш мумкин. Фарзандларимизни она ер бойликларини асраб-авайлашга ўргатишимиз, уларни табиат жонқуярлари этиб тарбиялашимиз, ўқув муассасаларида табиат муҳофазасига оид қизиқарли маълумотларни доимо бериб туриш, таълим-тарбия соҳасида қизиқарли дарсликлар, оммабоп китоблар чиқариб, ёшлар эътиборини шу масалага жалб қилишимиз лозим. Табиат муҳофазаси масалалари фуқароларимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Зеро, табарруқ заминни муҳофаза қилиш, она табиатни бокира ва мунаввар ҳолича асраш, унинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, табиий хом ашё захираларини тежаш ва қайта тиклаш масалалари пайсалга солиб бўлмайдиган умумхалқ вазифаси, ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Комилжон ТОЖИБОВ,
Флора МУҲАММАДЖОНОВА**






ЧОТҚОЛ СОЙЛАРИ — ҲАЁТ МАНБАИ


Табиат, жамият, ҳаёт тушунчаларини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, яшаш тарзимиз ва ҳўжалик фаолиятимизни сувсиз тасаввур қилишимиз қийин. Сув мўл ўлкаларнинг ўзига хос латофати бўлади. Ундаги шўх дарёлар, зилол булоқлар, зумрад қўллар, қумуш музликлар, яшил олтинлар, баҳмал қирлар, гул водийлар, даладар бизни ўзига мафтўн этади. Қўш қиздириб турган олтин тулроғимизга сув келиб қўшилса, чексиз яшил пайқаллар, белобўн боғ-роғлар, ажойиб ўзумзорлар, жилвагар мевалар пайдо бўлади.

Сувнинг саноатдаги аҳамиятини айтмайсизми? Ахир лўлат, капрон, резина, кокс каби маҳсулотларни сувсиз ишлаб чиқиб бўлмайди. Масалан, бир тонна лўлат тайёрлаш учун 1500, бир тонна капрон олиш учун эса 5000 кубометр сув сарф қилинади.

Сув муҳим неъмат, қатга боилликдир. Уни эъзозлаш, асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Республикамиз кўрқига кўрк қўшувчи жушкин Аму, фусункор Сир, олтин коқилли Зарафшон, шўх Кашкадаре, жилвали Сурхондаре забардаст тоғларимизнинг қумуш чўққилари ва лола қирлардан бош олиб, дийримизнинг узок-узок жойларига оби ҳаёт олиб боради.

Олимжон МИРЗАЕВ





Илбирс

Жанубий Сибирь, Осиё, Марказий Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғларида тарқалган. Ўзбекистонда эса Уғом, Пском, Чотқол, Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмаларида сақланиб қолган.

Илбирс ёзда субалпий ва альпий минтақаларида, кўпинча абадий музлик чегараларида, уларнинг асосий озиғи — ёввойи эчкилар яшайдиган жойларда учрайди. Қишда эса эчкиларга эргашиб, тоғларнинг камқор жанубий ёнбағирлари ва жарлари бўйлаб пастроқда жойлашган арчазорларга тушади. Илбирс эчкилардан ташқари архар, ёввойи чўчқа, елик, кўён, кемирувчилар ва какликлар билан озиқланади. Хонаки ҳайвонларга камдан-кам ҳолларда: ёзда яйловларга, қишда тоғдаги қишлоқларга ҳужум қилади. Одамга ҳатто ярадор бўлгани ҳам мутлақо човут солмайди.

Тирик илбирснинг ўзи ҳамда териси нихоятда қимматбаҳо ҳисобланади. Илбирсни қатъий чекланган ҳолда, масъул ташкилотлар руҳсати билангина тутиш мумкин.



Қизил Бўри

Бу бўри Жанубий ва Марказий Осиёда кўп тарқалган. Ўзбекистонда Тяньшан ва Помир тоғларида яшайди.

Қизил бўри ёзда денгиз сатҳидан 2500-4000 метр баландликда ҳаёт кечиради. У тоғ эчки ва архарлар кўп учрайдиган қояларда юради. Қишда уларга эргашиб, тоғнинг қуйи қисмидаги арчазорларга тушади. Қизил бўри овга оилавий чиқади, бунда улар йиғирматагача тўдалашшилади. Бўри туёқли ҳайвонлар, кемирувчилар ва қушлар билан озиқланади. Хонаки молларга кам ҳамла қилади. Одамга ташланганлиги маълум эмас.

Қизил бўри — мўйнали йиртқич ҳисобланади, лекин улар нихоятда кам миқдорда бўлгани учун мўйна тайёрлашда унчалик аҳамиятга эга эмас.

Тяншан оқ тирноқли айиғи



Т

Бу айиқ Еврооё ва Шимолий Америка ўрмон ва ўрмон-чўл ҳудудларида, Осиёнинг тоғли ўрмонларидан тортиб Ҳимолай, Марказий Осиё, Кавказ, Африканинг Атлас тоғларигача тарқалиб кетган. Тяншанда оқ тирноқли айиқнинг оч кўнғир туслиси яшайди. У Марказий Осиёнинг Помир-Олой тоғлари, Тяншаннинг маълум қисми, Фарбий Ҳимолай ҳамда Афғонистон тоғларида тарқалган. Ўзбекистонда Уғом, Пском, Чотқол, Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари ўрмонларида яшайди.

Оқ тирноқли айиқ ўтлар, алт гречихаси, равоч, сибарга, лола ниёзи ва ёввойи ниёз боши, ёввойи дарахт ва бута мевалари ҳамда бошқа яйлов ўтлари билан озиқланади. Айрим пайтларда суғур, қуён ва бошқа майда ҳайвонларни тутиб ейди. Чумоли ва бошқа ҳашаротларнинг гумбаклари билан озиқланади. Хонаки ҳайвонларга ниҳоятда кам човут солади. Одамга ташланганлиги маълум эмас.

Кўк суғур

У

Уғом, Пском сувларининг юқори қисмларида, Чотқол, Ангрэн ҳамда Тяншан тоғининг шимолида катта ҳудудда тарқалган.

Кўк суғур денгиз сатҳидан 2500-3300 баландликдаги тоғ ўтлоқлари, сийрак арчазорларда яшайди. Сентябрьда қишлоғга кириб, апрель ойининг бошларида чиқади. Эгри-буғри бўлиб ҳар томонга кетган ини чуқурлиги уч метргача боради ва унинг уч-тўртта чиқиш жойи бўлади. Суғур асосан ўт, баъзан ҳашаротлар билан озиқланади. Кўк суғур тўрттагача болалаб, уларни июнь ойининг ўрталарида индан ташқарига олиб чиқади. Суғурнинг мўйнаси ниҳоятда чиройли, жири эса шифобаҳи бўлганлиги учун маҳаллий аҳоли томонидан кўплаб ов қилинган. Чўпон итлари ҳам уларнинг ашаддий душманидир. Кўк суғурни сақлаб қолиш учун аҳоли ўртасида унинг жири ҳеч қандай шифобаҳи хусусиятга эга эмаслиги, оддийгина овқат ўрнида ўтиши ҳақида тушунтириши ишлари олиб борилиши керак.



Тяншан тоғ кўйи




Т

Тоғ кўйи Тяншаннинг жанубида Норин дарёсидан Фарғона чўққисигача: гарбий қисмида Қирғиз, Талас, Уғом, Пском ва Чотқол чўққиларида, шимолий қисмида — Чуили тоғларида тарқалган. У ушбу ҳудудлардан бошқа жойларда яшамайди.


Ўзбекистонда, чамаси, батамом йўқолиб кетган архарнинг бу турини Чотқол кўриқхонасида қайта тиклаш мақсадага мувофиқдир. Шундай қилинганда, бу ердан уларни ўзларининг асл яшаш жойларига ҳам тарқатиши имконияти вужудга келади.




Қовун нави		Баҳор гули		Нога	Обод пойтахт	Хўжа- лик тармоғи			← Туйғу Мақом
	↘			↓	↓	Зиёд			↓
Ясама		Илк ҳосил	→			↓		Нола	↑
	↘			Металл	→			↑	Фар- занд
Таом “ҳид”и		Металл из қисми		Мўъ- табар зот	→			Африка- лаги давлат	Бегона
			↘	Шарт- нома	→	и	и	и	и
Боксчи		Покис- тон мар- кази					← Ранг	Бозор томи	Мум- тоз ашула
	↘	и	Масала	Масофа		Тўлов		и	и
		е		↘	Мажо- зий асар	↓	Мам- нун- лик	Волида	Кира
	... да Винчи	л	Дарё		...но		↓		↘
	↘	о	↓		↘			Сув йўли	Шоҳмот донаси
	Араб ҳарфи	и			Газ модда	→		↓	← Покиза
	Кимё- гарлар шаҳри	о							Йил даври
... ва Димна	Қурол	и	Исти- хола	→		Перу пой- тахти	→		
	↘	о		Билим- дон	→				Халқ
	Само- лёт	и	Тадбир		↑			← Анжу- ман	↘



Гарбий Тяншан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал Экологик Фонднинг Марказий Осиё Чегаралараро Лойҳасининг Ўзбекистон Миллий бўлими ходимлари



Асхад Ҳабибуллаев — Лойҳанинг Ўзбекистон Миллий бўлими бошлиғи.



Олим Мирзаев — Лойҳанинг жамоатчилик билан ишлаш бўйича консултанти




Баҳодир Алимов — Лойҳанинг таъминот бўйича мутахассиси



Лойҳа жамоаси



Лойҳа ходимлари иш устида



Лойҳанинг ГИС ходимлари

ЁМОНЛИК — ЯХШИЛИК КУШАНДАСИ



Чотқол тоғларига саёҳатга чиққан боланинг оёғи қоядан сирғаниб, пастга қулади. Унинг оёқ-қўллари синиб, ҳушидан кетди. У ўзига келиб кўзини очганида атрофидаги қандайдир йиртқич ҳайвонларнинг овозини эшитиб, қаттиқ қўрқди ва яна кўзини юмиб олди. Газандалар унинг атрофида гир айланиб изғишарди. Бола кўзини қўрқа-писа қия очиб, воқеани кузата бошлади. Уларнинг бири бўри, бири эса айиқ эди. Бўри болага яқинлашса, айиқ бўкириб уни қушлаб кетарди. Болага бир томондан жароҳатлар азоб берса, иккинчи томондан қўрқув раҳна соларди. Ниҳоят, айиқ полвон хомтама бўрини бу ердан қувиб солди.

Бола бот-бот кўзини очиб айиқни кўрарди ва қўрқанидан яна кўзини чирт юмиб олиб, қимирламай ётаверарди. У ёнидан жилмаётган айиқдан жуда қўрққан бўлса, бора-бора унга кўникиб қолди.

Бир оз вақт ўтиб, болани очлик ҳам

азобга сола бошлади. У бошини кўтариб егулик илинжида атроф-төваракка олазарак боқиб, беихтиёр бир сиқим ўтни юлиб олиб очофатларча чайнай бошлади. Бу ҳолни кузатиб турган айиқ ўрнидан даст туриб лапанглаб қаёққадир чоғиб кетди. Бир зумдан сўнг уч оёқлаб қайтиб келди. Бола қай кўз билан кўрсинки, унинг панжасида каттакон асал бўлағи бор эди. Айиқ буни болага инъом этди. Жонивор чўккалаб ўтириб, боланинг асал ейишини қизиқсиниб томоша қиларди. Бола айиқнинг меҳр-мурувватига тўла амин бўлди ва унга тамоман ўрганиб қолди. Айиқ уни ҳар қуни асал билан боқишни қанда қилмасди.

Кунларнинг бирида болани одамларнинг бақир-чақири уйғотиб юборди. Улар бир балонинг олдини тўсаётгандек, бор овозлари билан «хайт-хайт»лаб бақиршарди. Бола бошини кўтариб қараса, айиқ одатдагидек уч оёқлаб унга асал келтирмоқда эди.

Бошқа томондан эса боланинг отаси бошлиқ бир тўда кишилар айиққа милтиқ ўқталиб югуриб келишарди. Аҳвол чатоқ. Бола фурсатни қўлдан бермаслик учун синган оёғи азоб беришига қарамай, ўрнидан туриб «Отманлар!» — дея бақириб айиқ томон бир-икки қадам ташлаши билан қулоқни қоматга келтириб милтиқ гумбурлади...


Бола оғриқнинг зўридан йиқилиб ҳушидан кетди. Ҳушига келиб кўзини очса, ўзидан сал нарида бечора кўнғир айиқ чўзилиб ётар, панжасидаги асалга қон аралашиб кетган эди. Буни кўриб, болақай хўнграб йиғлаб юборди.

Боланинг отаси: «Ўғлим, сени худо бир асради. Сал кечикканимизда, бу лаънати йиртқичга ем бўлардинг», — деди жонсиз айиққа ўқрайиб.

Бола бор кучи билан судралиб борди-да, айиқни қучиб ҳушидан кетди.

Абдулла Аҳмад Муҳаммад Али

«ЭКОЛОГИК ТОВА» МАТИФАЛАР




Икки овчи гаплашапти:

— Менинг энг омадли овим — айқни овлаганим бўлган...

— Нимага омадли? Ахир ўшанда сен айқни ўлдирма олманг эдинг-ку?

— Омадлилиги шундаки, мен ундан қочиб кутула олганман!



Бир овчи чакалаторларда йўл кўрсатувчисидан сўраётган эмиш:

— Шу ростми, агар қоронғуда ёниб турган аланга билан юрлик, ёввойи ҳайвонлар хужум қилмас эмиш.

— Бу алангани қандай тезликда олиб юришингизга боғлиқ, жаноб.



— Кўндан бери фил овлайсизми?


— Йўқ, бир неча кун бўлди, холос. Бу ерга асли капалак туггани келгандим. Лекин кўзойнагимни йўқотиб қўйдим.



Инспектор қаллоб овчини жиноят устида ушлаб олди.

— Бу ерда нима қилаяпсизлар? — деди инспектор таҳдид билан. — Баҳорда ов қилиш ман этилган.


— Бошимга мусибат тушиб қолди, — деб жавоб берди овчи. — Мен ўзимни отмоқчи эдим, лекин қўлим қалтираб кетиб, ўқ ўрдакка тегди.



Бир куни Стокгольм ҳайвонот боғига мактуб келипти. Унда «Кўзойнакли илонни қандай қилиб аниқ билиб олса бўлади?» деб сўрашган экан.

Илонлар бўйича мутахассис жавоб берибди:

— Агар илон чаққандан кейин ярим соатдан ортиқроқ яшасангиз, билингки, бу кўзойнакли илон эмас.



Иккита овчи ўзаро суҳбатлашмоқда:

— Вой дўстим, бугун мен иккита зўр тустовуққа рўпара келдим. Оғзимдан сувлар келиб кетди.

— Хўш, хўш. Омадинг чопдимми? Нима бўлди?

— Нима бўларди? Ҳеч нарса қилиб бўлмади. Ёнимда пулим йўқ эди.



Қишлоқ хўжалик техникумининг талабаси фермернинг хўжалигида практикада экан. Фермер ундан сўраяпти:

— Жониворларнинг ҳаммасини белгилаб чиқдингми?

— Ҳа.

— Қийналмадингми?


— Моллар билан отларни тамғалашда қийналмадим, лекин асалариларни тамғалашда она сутим оғзимдан келди.



Таътилни қишлоқда ўтказётган шаҳарлик қиз ўзига қаҳр билан қараган буқадан фермерга шикоят қилибди.

— Манави қизил куйлагингиз учун шунақа бўлгандир-да...

— Ё тавба! — дебди қиз ҳайрат ичида. — Куйлагим модадан қолганини мен билардим, албатта, лекин буни қишлоқдаги буқа ҳам пайқайди деган фикр миямга келгани йўқ.



Хўранда: — Келтирган шўрвангизнинг ичидаги нима?

Офицант: — Сэр, мендан сўрамай кўя қолинг, чунки мен бир ҳашоратни иккинчисидан ажратолмайман.



— Кўнгилдагидек дам олишингиз учун нечта дароҳт кессак бўлади, хўжайин.



— Назоратчиларга ҳам ҳайронман, ов қилган билан қушлар қамайиб қоладими?!



— Амаки, бу ернинг балиғи қоп-қора — ёб бўлармикан?..

Рассом Муроджон УНГАРОВ

Табиат барчамиз учун ягонадир!

Марказий Осиё Чегаралараро биохилма-хилликни саклаш ГЭФ дойиҳасининг Ўзбекистон Миллий бўлими Тяньшан тоғлари, айниқса, унинг жавоҳири бўлмиш Чотқол қурикхонаси табиатини (ўсимлиги, хонзодлари, манзаралари, суви, ҳавоси, тупроғини) тараннум этувчи газёта ва журналларда чоп этилган энг яхши рисола, мақола, умуман, кичик ҳажмли бадий асарлар

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ғолиблар учун учта ўрин белгиланган:
Биринчи ўрин учун **150 000** минг сўм.
Иккинчи ўрин учун **100 000** минг сўм.
Учинчи ўрин учун **50 000** минг сўм.

Батафсил маълумотларни 144-25-99, 144-78-31, 132-01-84 рақамли телефонлар ёки uzru@online.ru электрон почта орқали олишингиз мумкин. Танлов материаллари 2003 йилнинг 15 майидан 1 ноябригача исталган нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Талабгорлар аризалари 2003 йилнинг 10 ноябрига қадар қабул қилинади.



Биздеки якка обуначилар учун - 820
ташкычлар учун — 806
Баҳоси: Чавена савдода келишимин парҳади.

340

Guliston



REGIONAL CENTER FOR PROJECT IMPLEMENTATION



The World Bank



Global Environment Facility